



Бектемир

ШИРНАФАСОВ

'96
шеърлар

Тонг ёқаси



"Ёзувчи" нашриёти

БЕКТЕМИР ПИРНАФАСОВ

ТОНГ ЁҚАСИ

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

П 46

Пирнафасов, Бектемир.

Тонг ёқаси: Шеърлар.—Т.:
Ўзвчи, 1996.—32 б.

Ўз2

Бектемирнинг шеърларида ичкилик, Ишққа ичкилик бор.. Соғинчларда ҳасрат, сукутида дил бедорлиги. Рухнинг паршон товланишларидан унсиз азобнинг шивирлари тўкилади. Минг йиллик нафаснинг шивирлари..

Китоб Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Республика Давлат матбуот қўмитаси тавсияси ва ижара пудратидagi Тошкент полиграфия комбинати ташаббуси билан комбинат ҳисобидан чоп этилди.

Ўз2

П 4702620202 — 17
М362 (04)—96 режага қўшимча — 1996

ISBN 5—8255—0372—2

© Б. Пирнафасов, «Ўзвчи»
нашриёти, 1996 й.

* * *

Қўшиқ кириб чиқди тушимга,
Киприкларим титиб уйғондим
Тонг келтирди мени ҳушимга.

Еллар топиб келтирган бахтдай,
Уфққа чорлаб умидларимни
Чопди сочларини силкиб дарахтлар.

Мен шу қадар озодман бугун,
Кўнги ораиқади бу бахтдан;
Кўзим қайноқ ёшларин тўкар.

Кўркингни кашф этар ҳар қадам,
Сен ҳурсан азалдан, юртим,
Сен барибир гўзалсан, Ватан!

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Мен ватанман ўзимга ўзим,
Бу юртда мен ҳам шоҳ, ҳам вазир.
Менда яшар онгим ва кўзим,
Ўзим ўзга юртда мусофир.

Кўнглим

Менда яшар ўз ватанидан
Кўнглин бўлган бир неча юрак.
Уларга ҳам кўнглим каби-да,
Меҳр керак, муҳаббат керак.

...Ҳаёт бир кун олади ўчин,
Шунда, ишончлидир шу кўпроқ —
Азиз бўлар ҳаммамиз учун
Мен сизинган муқаддас тушроқ.

* * *

Нилуфар ҳидлаган балиқлар
Ақлдан озгандай — муаллақ.
Тўлқинларнинг оралиғидан
Овозимни излайман илҳақ.

Юрагимда мунис хиргойи,
Туйғуларим, не учун жимсиз?
Осмонни тақиллатсам, доим
Юлдузалар чуғурлайди:
— Кимсиз?!

Устимдан кулади парилар...
Паришон далада дарбадар
Гуллардан айланган ари мен
Ғўнгиллаб йиғлайман, куйлайман.

... Баҳорим келганда менинг ҳам
Туриалар чоғланса парвозга.
Бир қўшиқ айтишни истайман,
Адирлар соғинган овозда...

* * *

Кетаяпман хиёбон бўйлаб
Қучоғимда паришон еллар.
Тонгга қадар висолни ўйлаб
Атрофимда қизарган гуллар.

Нафасимдан титраган майса
Чехрасида тоблалар гулоб.
Шивирлари тўкилар ғамгин:
— Соғинчлар — мен кўниккан азоб...

Олисларга чирмашар нигоҳ,
Хаёлимда дунёдан гина—
Бу дунёдан майсалар каби
Ўтиб кетсам индамайгина...

* * *

Чанқовуз оҳини сарлавҳа қилдим,
Бинафша руҳини айладим тавоф.
Севинчимни ёйдим ариқ бўйига,
Тилимда қалдирғоч сиғинган дуо.

Чугурчуқ тилига тушди тилагим,
Кўкламнинг куйида кўкарди еллар.
Тилғон-ей, ҳислардан ҳансираб, ҳамал,
Чимилдиқ баридан чиқ энди, дала...

* * *

... Барибир
Бир кўни
Кўзларинг чақириб олади мени...

Парилар сочингни ўрар майдалаб,
Хумо хаёл сурар тилагимизда.
Кўксимиз тоғ бўлиб ўсар қайтадан,
Оҳулар югурар юрагимизда.

Тунлар ўзи учун топиб олар ранг,
Ёмғирлар май бўлиб ёғади фақат.
Менинг юрагимда бошланади тонг,
Сенинг кўзларингда бошланар шафақ.

* * *

Фаслдан адашган кунми бу,
Гулламоқ чоғими изҳор.
Гунчангни кўзимга суртиб,
Кутдингни бедор-бедор.

Сен қай дарахтнинг гулисан,
Очилдинг меңими сева.
Ишқингдан айлансам аридек,
Сен қандай тугасан мева?!

* * *

Эгачи, осмонми чеҳрангиз,
Турфа дам тўкилар турфа ранг.
Кўзимга хазондай ихрайсиз,
Шамолдай изғийман мен — гаранг.

Фалак — бахтимизни атайлаб,
Чегалаб туширган чегачи.
Сизни бекор қутаман ойлаб,
Сиз ҳам мени қутманг, эгачи.

Эгачи, дилингиз саҳроми,
Бунчалар чуқур йўл — адаш^{ди}сиз.
Айрилиқ — ҳасадгўй маҳраим,
Қай имқон бор менда, чидашсиз?:

Адашган йўловчи бўлдим мен,
Дарахтларнинг тагидан ўтдим.
Телбадай тиржайиб хазонга,
Яна ёлғиз сизни дил қутди...

Эгачи-и...

СЕН ҲАҚИНГДА УНУТИЛМАС ҚУШИҚ

Ой — менинг қизим...
Ҳар тун бошимда
Онасин сўроқлаб йиғлайди сим... сям...
Унинг кўзларига қаролмай
Мен яна...
Қайтараман ҳар кунги гапим:
— Онанг ўлган, қизим,
Онанг ўлган, қизим...

МАНСУР АЗОБ

Эски дафтаримни варақлаганда
Чиқиб қолар йиртиқ суратинг.
Фақат кўзлар қолган, кўзларинг
Ҳалиям ўзининг ихтиёрида.
Агар қарасам
Маъюсина кўзлар
Ҳозир қарагандек бўлади менга,
Базўр жилмайтандек кўрсатиб ўзин
Олиб қочадигандек бўлаверади...
Кейин йиглайди...

Олис хотиралар наъшасин тотган
Эски дафтаримни варақлаганда
Чиқиб қолаверади суратинг.
Ҳар гал... қўрқаман термулишдан,
Ҳар гал ўтинаман,
Нигоҳингни уз мендан, Сурат,
Ёпиб қўяй эски дафтарни!
Мен сенга ачиниб кетаман,
Мен дафтарни ёнганимдан сўнг...
Кимга қараб қолар суратинг?

...Билсайдинг нақадар оғирлигини
Сенинг суратингга боқмай қўйишим,
Нақадар оғирлигини билсайдинг
Сенинг суратингга қарашимнинг ҳам!..
Эски дафтаримни варақлаганда...

* * *

Тун ҳеч қандай узун эмас,
Тун фақат кенг, кундуздан ҳам кенг.
Сукунат эса, узун.
Шу қадар чўзилган, шу қадар ингичка
Ҳар қандай товуш
Чиқиб юролмайди унинг устидан!..

* * *

Тун бўйи излайман кундузни...
Хазонлар таъкидлаб йиғлайди
Менинг-да, ўткинчи эканим,
Мен эса соғиниб кетаман!
Соғинчим шу қадар узунки,
Хатто, унугаман
Унинг ортида ким борлигини.

Тун бўйи излайман...



Нигоҳимда эзилган сўқмоқ
Олисларга тутшиб кетган.
Кимсасизлик ҳошим хиёбон
Барча товушларни унутган..

Қўзгалади қадамдан чўчиб
Атрофимда заъфарон шарпа.
Бесаришта кезинар кўнгил,
Гўё энди охири марта.

Арғувонлар чақирар шамол,
Тераклар йўл кўрсатар ойга.
Овозини яшириб жимлик,
Юзларини ювади сойда.

Мағрур хазонларни телба ел,
Сувга чўккан тунга ботирар.
Деразадан кузатар мени,
Сочлари оқарган хотира...

I

1.

...Қишлоқ сўқмоғини туш кўрар руҳим.
Етим сатрларин саралар хабл,
Юрагимни ёйиб қўяман тунга...

2.

Тун—хазонга айланган кундуз.
Нақадар севсам ҳам мен уни
Олиб қололмайман ўлимдан...

3.

Кечалар куйчиси—сукунат бедор,
Сирли махфий эртақ сўйлайди.
Муסיқа тарайди бир ёлғиз аёл...

II

1.

Орзулар куйимга тушади.
Рангсизликнинг рангидай ранглар
Армонимни безайди азоб...

2.

Дилимга гапиришни ўргатяпман,
Ҳавасим савалар Робинзон,
Пешонамда хивич изи — камалак...

3.

Бўғзимда тўлқинлар талашган сир,
Йўлимни тўсади содадил гуллар
Кўчадан ўтишга уяламан... баҳорда...

МУҚАДДИМА

Юрагимда битта сағир гул,
Яшар экан умрини сўйлаб,
Улашчилик кетади кўнги,
Кун кўрмаган кўчалар бўйлаб...

Найсонларга тутиб суғордим,
Дунёларнинг тилидан тўсиб.
Шафақрангга айланиб борди
Қўшиқларнинг бағрида ўсиб.

Ҳавас қилган чучук елларни,
Осмонлардан олисга ҳайдаб,
Бир кун ўша бебош тилларим
Узиб қўйди кимгадир атаб...
Юрагимда бир сағир гулни.

ВИДО

Юрагим кенгроқ пайти келгин, севгилим,
Менинг розилигим олмоқчи бўлсанг.
Мендан тўйиб кетса беозор дилинг,
Энди ўзинг ёлғиз қолмоқчи бўлсанг.

Шунда ҳам бир муддат асрагин мени,
Биз севишган эдик... Бир нафас кутгин.
Сўнгра ранжимасдан кузатай сени,
Сўнгра бахтли бўлгин, сўнгра унутгин.

Юрагим кенгроқ пайти келгин, севгилим,
Кимлардир бахт ваъда этса ҳам пинҳон.
Хиёнат қилсанг-да тиламам ўлим,
Мен сенинг йўлингни тўсмайман, ишон.

Мен тонгда шеър ёзиб бўлганимдан сўнг
Ва ё йўл олганда издиҳом сарп,
Келгин, жавоб берай аламсиз, бемунг,
Ўшанда бари—бир, бари—бир, бари...

Ўшанда ўйлайман охирги ўйим:
Сендан ҳам таъмасиз парвоналар бор,
Сендан ҳам гўзалроқ оламлар мавжуд,
Сендан ҳам кечмоқлик мумкин бахтиёр...

Юрагим кенгроқ пайти келгин, севгилим,
Токи шундан кейин ҳеч парса ёзмай,
Токи ҳамма айбим оқласин ўлим,
Токи ўлим топай ақлдан озмай!

Юрагим кенгроқ пайти келгин...

* * *

Сочлари тўзгига дарахт,
Нафасимга қараб йиғлайди.
Қон шимаётган зах —
Менинг юрагим.

Бўгзида кўзёшни ютиб,
Унутиб эгилган бошини
Овоз кутаётган сукунат —
Менинг юрагим.

Капалак чангида камалак ранги.
Яқинлашиб келаётган
Хайратнинг жаранги — —
Менинг юрагим...

ЕМҒИРДА

Дарахтлар — нилуфар,
Тўлғонади сувнинг остида.
Уйлар — харсанг,
Уйлар — тешик ғор.
Балиқлар ухлаган ғорларда.
Тўлқин — эпкин — насим,
Толим, толим, толим сув —
Бўйига, энига шабода...
Мен бедор балиқман бу тунда —
Тонг олдидан
Сув юзига чиқишни
Истаган балиқ...

(ИЗОХ...)

Мен ўша — кўзлардан ҳайдалган итман...
Ишқнинг тарихига эмас бегона.
Шафақ қиргоғида оҳулар кутган,
Саҳролар соғиниб қолган девона.

Мен ўша — ҳолига маймунлар кулган,
Қора айрилиқдан кутилган ҳосил.
Кимнингдир кўнглига арғамчи бўлган,
Сочларнинг дорига сизмаган бошим.

Қорлар ёгаверди атрофимда жим,
Қорларнинг остида қолиб кетди йўл.
Манзилни йўқотиб топилган ўзим,
Мен ўша — шоҳлиги бой берилган қул...
Мен ўша...

...СЎНГ

М)
Кетаркан, ложувард ҳисларни секин,
Таскиндарга ўраб кўнгилда солдим.
Олди ўзин сипо тутган юракни,
Хаёлимни олдим, ёдимни олдим.

Умидсиз севгидан кечяпман, бироқ
Узоқлаган сари йўқолар тинчим.
Сенинг оёқларинг остида қолди,
Менинг ортга сўнг бор қараш илинжим...

* * *

Сукунат.
Тунлар машҳур қилган чигиртка куйлар
Ўтаётган умр қўшигин.
(Ҳали очиқ жой кўп сукутда)

Шамол — дайди беҳис оҳанглар
...Узил-кесил.
Унут баҳорларнинг безовта ёди
(Ҳали очиқ жой кўп сукутда)

Сукунат.
Сойнинг синиқ қўшиғи...
Бир йигитнинг онасидан яширган йиғиси
Ва осилиб мунгларнинг барига
Ҳазингина йиғлаётган хазонлар...
(Атроф эса ҳали жуда кенг,
Ҳали очиқ жой кўп сукутда
Олис овозларни ютинар
Елғизликдан ортиб қолган жой).

* * *

(Эвришиш)

Сочларимнинг қора ранги тугади,
Кафтимда қолмади келажак изи.
Манглайимга қисмат ёзиқлари устидан
Умрим тортиб чиқди чуқур-чуқур чизиқ.

Кўрлар каби боқиб қўяман атрофга,
Ҳидлари унутилган гуллар сўлади.
Кўнгиғини юволмай айланар фасллар
Умидлар тўлғоқда бўғилиб ўлади.

Олисларга қочиб кетган хотира,
Хаёл бошин урар дунёнинг тўрт томонига,
Ўз қонига беланиб ётар қафасда.

Ҳеч қандай айрилиқ изтиробга солмас мени,
Фақат кўзларимнинг очиқлиги қийнайди,
Алданиб кетишга келган ҳаётда...

* * *

Унутмагин мени, дилдор,
Қолиб кетаёй ҳаёлингда.
Сочларингга телба хумор
Адирларнинг шамолидай.

Умидларим эди сўлим,
Суманларнинг ифорида
Қандай бахтли йигит эдим
Ўн еттининг баҳорида.

Дарахтларга ўйилмаган
Илижиمنى эслаб кулгин,
Қандай сўрар эдим сендан:
Севасанми... мени, гулим?

Йиллар ўтиб кетди бетин.
Хаёлимни этиб сазо,
Бахт излаган умримга жим
Ҳамроҳ бўлди ҳоргин азоб.

Асаднинг шум сўқмоғида
Булбул ўзин осиб қўйган.
Хўрсиниқнинг қучоғида
Қолиб кетди менинг кўйим...

Беҳис бўлиб қолди дилим,
Фақат илинж қолди беор.
Мени эслаб тургин, гулим,
Унутмагин мени, дилдор...

И Ж А Р А Д А

Менинг ярим белимдан ўтиб,
Эшикнинг олдида кўндаланг —
Деразадан пойлаган нурда
Камалакдек тобланади чанг...

Тим қорайиб қарши олади
Мен қўлимда ушлаган кўзгу.
Термуламан аксимдан ортиб
Қолган жойдан кўзимни узмай:

Тўрт девор — манзара, суратлар осяқ
Хонадан ташқари борлиги ҳақда.
Бурчак... соат, безовта гуллар,
Бурчак... китоб жавон аталган тахта.

Кўча томон қараган ойна
Бир кўздан кун ботар пайти
Кўринади ариқ бўйлаб
Қайтаётган қизлар сураги...

...Неччигадир кирганга ўхшаб
Узоқ суқун сақлаган каби
Хаёл суриб-суриб тўйманман
Топилмайдиган ўйлаган гапим.

Менинг ярим белимдан ўтиб,
Эшикнинг олдида кўндаланг —
Деразадан пойлаган нурда
Камалакдек тобланади чанг...

ПАРИШОНЛИК

...Е тун бу, ёки у ҳам йўқ.
Яна, ёки менинг кўзларим юмуқ.

Ё суқунат ҳозир, ё бор бир жаранг,
Яна, балки, менинг қулоғим гаранг...

* * *
Ёмғирларни оралар хаёл.
Тунга ботиб кетар нигоҳим.
Силкитади бечора шамол
Дарахтларнинг яланғоч шохин.

Манзаралар изғир кўзимда,
Чўзилади қора бахтсиз роҳ.
Хўрсиниқлар жойлар бўғзимда
Хотиралар адашган бир боғ.

... Қачонлардир ўлган эдим мен,
Хабарим йўқ ўзимни бундан.
Унутилган маана шу юрак —
Севги боши чопилган кунда...

ҲОЛАТ

«Кимсасиз» сўзини эсламоқ оғир..
«Орзу» сўзи учун лозим йиғламоқ.
Яна улоқишга мажбур қилади
«Муҳаббат» сўзини эсламоқ..

Ниҳоят, ўзингни унутишинг керак,
«Соғинмоқ» сўзининг рўпарасида.

Қарабсанки, сен йўқсан, дилинг бор,
Муҳаббат...

Соғинмоқ...

Кимсасиз...

Орзу...

Қаршингда чайқалиб туради таниш,
Барча сўқмоқларни туташтирувчи —
Хотира соҳили —

ложивард..

* * *

Унутиб қўйишдан қўрқаман сени,
Уяламан эсласам агар.

Менга ширин умр берилган
Шу ҳолатлар ораси қадар...

Ҳаёт қадар саросимада!..

* * *

Шамоллари бедор тепада,
Тунлар менсиз овлоқ супада,
Ойга таскин бераётган ит
Сукунатни менга ташлаб кет!..
Тушиб бўлмас сира ўйинга..
Чирилдоқжон, маъсум қўйингни,
Асадларнинг салқин шонида
Ўтказиб бер менинг номимга!..
Унутилган кечада, токи
Кўчаларда кезганда хоким,
Дарвешлигим дилдан ўтсин,
Боглар мени кимсасиз кутсин!..

Адабий—бадиий нашр

Бектемир Пирнафасов

ТОНГ ЕҚАСИ

Шеърлар

Муҳаррир *З. Мирзаева*

Расмлар муҳаррири *Ю. Габзалилов*

Техн. муҳаррир *У. Ким*

Мусахҳиҳ *М. Хўжаева*

Босмахонага берилди 5.08.96 й. Босишга рухсат этилди 19.08.96. Ўлчами 84×108^{1/32}. Шартли босма табоғи 1,17. Нашр табоғи 0,65. Жами 3000. Буюртма **333**.

«Езувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.



Бектемир ПИРНАФАСОВ 1975
йилда Навбахор туманининг КА-
БОБИ қишлоғида таваллуд топ-
ган.

Айни пайтда ТошДДнинг журна-
листика факультетида таълим
оляпти.

Шеърлари республика вақтли
матбуотида ёритилган.

